ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ

Л.Х.РУСТАМОВ

Мақолада жисмоний маданият соҳасида малакали мутахассис тайёрлашда узлуксиз педагогик амалиётнинг аҳамияти кўриб ўтилган. Ушбу жараёнда педагогик кўникмаларнинг босқичма-босқич шаклланишини ёритиш орқали узлуксиз педагогик амалиётнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: *ўқув жараёни, узлуксиз педагогик амалиёт, шакллантириш, жисмоний тарбия.*

В статье рассматривается роль непрерывной педагогической практики в процессе подготовки квалифицированных специалистов в области физического воспитания. Обоснована целесообразность данного вида практики путем освещения поэтапного формирования педагогических навыков у студентов.

Ключевые слова: *учебный процесс, непрерывная педагогическая практика, формирование, физическое воспитание.*

ПЕДАГОГИКА

The article discusses the problems of preparing the qualified specialists in the field of physical education. It stresses the importance of permanent school practice in this process. This type of practice is considered to be very fruitful in the process of education..

Key words: *pedagogy, practice, education, forming, teacher (pedagogue), specialist, continuing pedagogical practice.*

Узлуксиз таълим, шунингдек, унинг таркибий қисми бўлган узлуксиз педагогик амалиёт замонавий педагогиканинг долзарб масалаларидан саналади. “Узлуксиз таълим” тушунчаси ҳозирги маъносида биринчи бўлиб 1955 йилда П.Аренц томонидан қўлланган бўлса, узлуксиз таълим концепцияси ЮНЕСКО томонидан 1972 йилда расман қабул қилинган. Халқаро таълимни ривожлантириш комиссиясининг маърузасида эътироф этилишича, узлуксиз таълим ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар томонидан қабул қилиниши лозим [3.76-77].

Аксарият мутахассислар узлуксиз таълим ғоясини ҳаракат воситаси сифатида кўришмоқда, яъни у таълимнинг барча тур ва босқичларини бойитади, амалиёт талабларининг ўзгаришларига зудлик билан мослаша олади ва замонавий имкониятларни кучайтиради [4.46].

Ҳозирги кунда жисмоний маданият соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш долзарб экани маълум. Зеро, бу масаланинг ечими мамлакатимиздаги жисмоний маданият таълими тизимини, жамият аъзоларининг маънан ва жисмонан етуклигини белгилаб беради.

Узлуксиз таълим тизимида, хусусан, жисмоний маданият соҳасида малакали мутахассис тайёрлашда узлуксиз педагогик амалиётнинг аҳамияти жуда катта. Ҳозирча мазкур амалиётни йўлга қўйишда кўнгилдагидек натижаларга эришилмади, олий таълим муассасаларида ҳали бир тизимли асосга эга бўлган узлуксиз педагогик амалиёт мавжуд эмас.

Мураккаб тизимга эга бўлган узлуксиз педагогик амалиёт ўз ичига инсоннинг умумий фаолиятидаги икки жараённи қамраб олади: англаш (билиш) ва қайта яратиш жараёнлари. В.М.Поповский ва С.П.Евсеев фикрича, англаш (билиш) ўқиш жараёнида амалга ошади, қайта яратиш эса аниқ ишлаб чиқариш фаолияти давомида (жисмоний маданият ва спортни ташкиллаштиришда) амалга ошади. Буни қуйидаги чизмада кўриш мумкин (чизма 1).



Чизма 1. Ишлаб чиқариш ва таълим жараёнининг ўзаро алоқадорлиги.

Педагогик амалиётнинг вазифаси тайёрланаётган мутахассисларни бир тизимда шакллантиришдан иборатдир.

Олий таълим муассасаларида жисмоний маданият соҳасида талабаларнинг касбий тайёргарлигини бошқариш жараёни муайян тартибда амалга оширилади. Асосий қонуниятни билган мутахассисга талабаларни бошқариш, уларни ақлий ва жисмоний шакллантириш, шу билан бирга уларнинг педагогик маҳоратини, камчилик ва нуқсонларини аниқлаш осон бўлади.

Қонуният деганда мукаммал, барқарор ва муҳим, ҳаммага зарур бўлган жараён ва фаолият ўртасидаги алоқадорлик тушунилади. Мазкур тушунча педагогик жараёнда етук мутахассис тайёрлашнинг объектив асоси ҳисобланиб, педагогик тамойиллар педагогик жараённинг асосий талабларини қондириш вазифасини ўтайди. Уларнинг амалиётдаги самараси, қўлланилиши, муаммоли вазиятларнинг ечимини топиш педагогнинг ижодий ёндашувига, педагогик қобилияти ва педагогик маданиятига боғлиқдир.

Педагогик маҳоратнинг шаклланиш жараёни деганда инсоннинг ривожланиши, касбий маҳоратининг ўсиши, яъни ўз соҳасининг етук мутахассиси, етарли малакани эгаллагани, амалиёт вақтида бу жиҳатларини намоён қила олиши тушунилади.

Бўлажак жисмоний маданият мутахассисларида касбий маҳоратнинг шаклланиш жараёнини босқичма-босқич кузатиш мумкин. Бу соҳада фундаментал изланишлар олиб борган П.Я.

Гальперин, И.П.Калошина, В.А.Носова, З.А.Решетова, Н.Ф.Тализиналарни санаб ўтиш жоиз.

Ақлий ҳаракатнинг босқичма-босқич шаклланиш назарияси руҳий фаолиятни тушуна билишдан келиб чиқади, у бир тизимли ҳаракатдан иборат. Онгдаги тасаввурлар ҳаракат қисмлари мисолида ўрганилади. У (назария) фаолият турларини бир тизимда муайян ўрганишни кўриб чиқади, улардан ҳар бири, ўз навбатида тизимли ҳаракатдан иборат бўлиб, фаолиятни ўрганиш бирлиги деб тушунилади.

Бундай ҳаракатлар тартиби ўз ичига аниқ бир мақсадни белгилайди ва сабаблар орқали натижага эришилади. У моддий ёки идеал нарсаларга йўналтирилган бўлиб, ташқи ёки ички жиҳатдан амалга оширилади. Ҳаракат эгаси, яъни субъект барча амалга ошириладиган ишларни қамраб олади, амалга оширилиш жараёнидаги ҳаракат кетма-кетлигини ҳам ўз ичига олади. Ҳаракат жараёни бажарилишига қараб уч қисмга бўлинади. Улар тахмин қилиш, бажарувчилик ва назорат.

Н.Ф.Тализина юқоридаги ҳаракатларни қуйидагича изоҳлайди: “Тахминий ҳаракат қисми бу инсон томонидан фаолият жараёнида кўрсатилган объектив шароитда, белгиланган ишнинг тахминий ечимининг ижобий ҳал этилишидир. Бажарувчилик қисми – объект ҳаракатида, берилган қайта ўзгариш билан таъминлашдир. Назорат қисми – ишнинг бажарилиш жараёнига йўналтирилган бўлиб, намуналардан олинган натижаларни бир-бири билан солиштирилади. Унинг ёрдамида тахминий ва бажарувчилик ҳаракат қисмларидаги камчиликлар тўғриланиб қайта кўрилади” [3.57].

Таълим жараёни ва билимларни ўзлаштириш, юқорида келтирилган назариядан келиб чиқиб, ақлий фаолиятни ташқи муҳитдан ички фаолиятга маълумотларни етказиш жараёни деб ҳисоблаш мумкин. П.Я.Гальперин янги ҳаракаталарни ўзлаштириш жараёнини беш босқичга бўлади. Унинг назариясига таянган ҳолда, узлуксиз педагогик амалиётда бўлажак соҳа мутахассислари касбий маҳоратининг шаклланиш босқичларини қуйидагича белгилаш мумкин.

Биринчи босқичда талабаларга ҳаракат мақсади тушунтирилади, зарур бўлган тахминий тушунчалар шакллантирилади. Бу босқичда бошланғич ҳаракат қандай амалга оширилиши билан таништириш жараёни олиб борилади, яъни **моҳир педагог** (МП) фаолиятининг бошланғич босқичи ҳақида маълумот берилади.

Бу энг асосий босқич бўлиб, барча босқичлар келгусида қай даражада амалга оширилишини белгилаб беради. Бу босқичда касбий фаолиятнинг моҳияти ўзлаштирилиб, англаб олиниши даркор. Талаба олдида МП фаолияти сир-синоатлари намоён бўлади, мутахассисликка кириш босқичи амалда олиб борилади, жумладан, талабага дарс жараёнини қандай ва қай тарзда олиб борилиши кўрсатиб берилади, яъни дарсларни ўтиш машқлари кўрсатилади.

Иккинчи босқичда талаба ўз касбий фаолият ҳаракатини амалий равишда ўзлаштира бошлайди. У гуруҳ спортчиларининг кўрсатилган шароитда машқ бажариш жараёнини амалга ошириш мақсадида “Жисмоний маданият” фанининг режасини ишлаб чиқади. Дарсга тайёрланиш вақтида талаба вазифаларни алоҳида қисмларга ажратиб чиқади. Бу босқич ҳақида Н.Ф.Тализина ёзади: “Таълим олувчи ҳаракатларни моддий тарзда ўзлаштиради ва берилган асосий турдаги вазифаларни идрок этган ҳолда татбиқ қила олади”. Мазкур босқич талабага аниқ фаолият дастурини ўзлаштиришга имкон яратади,

Учинчи босқич касбий ҳаракатни ташқи нутқ фаолиятида шакллантиради. Бу босқичда нутқ янги вазифани бажаришни бошлайди. Биринчи ва иккинчи босқичларда нутқнинг асосий вазифаси талабаларнинг воқеликни идрок қилиши воситаси эди. Учинчи босқичда нутқ вазифада ҳам, ҳаракатда ҳам алоҳида бир жараён сифатида намоён бўлади. Нутқий ҳаракат, албатта очиқ ҳолда ўзлаштирилиши лозим: “Унинг таркибига кирадиган барча вазифалар нафақат нутқий шаклда бўлиши керак, балким унда ўзлаштирилган бўлиши лозим”. Бу босқичда, яъни нутқий ҳаракат шаклида касбий педагогик фаолият учун янги имкониятлар эшиклари очилади.

Тўртинчи босқичда касбий ҳаракатда ташқи нутқий фаолиятнинг шаклланиши содир бўлади. Бу босқичнинг олдинги босқичдан фарқи шуки, ҳаракат товушсиз, ёзувсиз амалга оширилади. Бир қарашда ҳаракат (очиқлик маъносида, идрок қилинишда ва умумийликда) олдинги босқичдан фарқ қилмайди. Аммо ақлий тусга кирганда, ҳаракат жараёни жуда тезлик билан қисқаради ва автоматик тарзда формула кўринишида бажарилади.

Айни шу пайтдан ҳаракат **бешинчи босқич**га – ички нутқий фаолиятда касбий маҳоратнинг

шаклланиш босқичига ўтади. Бу босқичда ҳаракат автоматик оқим тезлигида бажарилади, ҳатто ўз-ўзини кузатиш имконияти ҳам бўлмайди. Энди бу идрокдаги воқелик жараёни беркитилган, тафаккур эса фақат шу жараёнга тегишли тафаккур маҳсулини намойиш этади.

Биз томондан яна бир босқич кўрсатилади, бу босқич аҳамияти жиҳатдан барча босқичларнинг энг юқорисида бўлиши керак деб ўйлаймиз. Бу босқич, касбий фаолиятнинг мақсад-сабабини шакллантирувчи босқичдир. Мазкур босқичда талабада зарур бўлган мақсад-сабабият пайдо бўлади. Касбий сабабият педагогик амалиёт жараёни даврида талабада шаклланади. Унинг ўзига хос тарафи талабанинг педагогик фаолиятга самимий, яхши кайфиятда ва ижобий ёндашувидадир. Талабанинг юқори мақсадга эга бўлиши учун учта нарса зарур: педагогик фаолиятга мойиллик, педагогик фаолиятга лаёқат ва унга эҳтиёж. Касбий мақсад сабабияти талабада бугунги кунда ўсиб бормоқда, бунга сабаб рақобатдир.

Шундай қилиб, босқичма-босқич касбий фаолиятга тайёргарликнинг шаклланиши методист ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатларнинг касбий фаолият давомида ривожланиши билан боғлиқ. Босқичма-босқич касбий маҳоратнинг шаклланиши нафақат руҳий воқеликни англаш калити, балки амалиёт вақтида касбий малакани кумулятив ўзлаштириш ҳамдир. Бу узлуксиз педагогик амалиётни ОТМ нинг жисмоний маданият соҳасида қўлланилса, бўлажак мутахассис таълим соҳасида, ижтимой ва иқтисодий шароитда, юқори малакали дунё меҳнат бозоридаги малакали мутахассислар билан бемалол рақобат қилган ҳолда жамият эҳтиёжини қондира олади.

Адабиётлар:

1. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ. ва б. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2006.

2. Юсупов Ў.Қ. Концепт ва линвокультурема хусусида. Қиёсий-чоғиштирма, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Андижон, 2010. – Б. 9-15.

3. Ситдикова Л.М. Внутрифирменное непрерывное образование и участие университетов в нем // Развитие стратегического подхода к управлению в российских университетах. – Казань, 2001.

4. Петров Ю.М. Модель непрерывного профессионального образования. – Н. Новгород, 1994.

Тошкент давлат педагогика университети,
2013 йил 4 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. С.Ниёзов)